

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Кахрамон Пазилдинович Узатов

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Далат бошқаруви
академияси ўқитувчиси

qahramon_86@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада камбағал оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг илмий асослари, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ва жамоатчилик фикри таҳлили Ўзбекистонда мисолида ёритилган.

This article discusses the scientific basis for creating a sustainable source of income and small business development for low-income families, the ongoing reforms in this area, and the analysis of public opinion in Uzbekistan.

Калит сўзлар: камбағаллик, кичик бизнес, тадбиркорлик, оилавий бизнес, даромад манбаи, бандлик, ишсизлик, сўровнома, респондент.

КИРИШ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг таърифига кўра камбағаллик деганда одамлар, уй хўжаликлар ва жамоаларнинг ҳимояланмаганлиги, ночорлиги ҳамда зарурий ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги тушунилади.

2020 йилнинг 24 январ санасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб қувватлаш давлатимизнинг асосий мақсадларидан эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Эътиборлиси давлат раҳбари ушбу мурожаатномада камбағалликни қисқартириш масаласига тўхталиб ўтди. **“Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.”**

Шу мақсадда президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар

билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этди. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усуллари қамраб олган янги методологияни яратиш лозим эканлигини таъкидлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аҳоли турмуш фаровонлигининг муҳим омили ҳисобланган тадбиркорлик, оилавий бизнес ва ҳунармандчилик, касаначиликни ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш борасидаги фаолиятни янада самарали ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015 йилда 2030 йилга қадар амалга оширишга мўлжалланган “Барқарор ривожланиш мақсадлари” дастуридаги 17 та глобал мақсаднинг биринчиси этиб “Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш” мақсадини белгилади. Шунингдек мазкур ҳужжатда 8-мақсад сифатида “Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умум қамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш” мақсади белгиланди.[8]

Умуман олганда камбағаллик ва унинг сабабларини ўрганиш ўтган асрдан жадаллашган. Аммо унга қадар ҳам мазкур масала татбиқ этилган.

Камбағалликнинг сабаблари ва жамиятдаги ўрнини ўрганиш XVIII асрдан XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр ажратилган, классик иқтисодчи олимлар А.Смит, Д.Рикардо, Т. Малтус, Г.Спенсер, Ж.Прудон, Э.Реклус ва б., шунингдек, замонавий иқтисодчи олимлар Rowntri, F.Q. Хауек, Р. Таунсенд ва бошқалар томонидан ўрганилган. Классик иқтисодчи олим А.Смитнинг асарларида камбағаллик ва ижтимоий стандартлар ўртасидаги боғлиқлик нисбий моҳияти очиб берилган. XIX асрда камбағаллик чегарасини оила бюджети асосида ҳисоблаш орқали мутлоқ камбағаллик мезонини киритиш, камбағалликни аниқлаш мезонларини даромад даражаси билан боғлаш ҳамда шахснинг инг меҳнат қобилияти ва соғлиғининг муайян даражасини сақлаб қолиш билан боғлиқ эҳтиёжларини қондиришни таклиф қилган.[9]

Ушбу масалага Ўзбекистонда илк бор давлат раҳбари томонидан жиддий эътибор қаратилганлиги ҳамда камбағалликка оид оид маълумотлар ҳам

биринчи марта очиқланганлиги кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Шундай экан дастлаб «камбағаллик» тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «камбағал» сўзи кам, етишмайдиган, ҳаётий тирикчиликка зарур нарсаларнинг етишмаслик ҳолати, йўқчилик ёки муҳтожликда яшамок маънолари қайд этилган.[1] Умуман олганда ўзбек тили бой тил эканлигини эътироф этиб, камбағаллик сўзи, бир қанча сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан қашшоқ, фақир, ғариб, ночор, муҳтож, бечора, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож каби сўзлар билан ҳам ифодаланади. Юқоридаги сўзлар бир биридан фарқланиб, ҳар бирини ўзининг қўллаш ўринлари бор албатта.

«Камбағаллик» тушунчасига ягона таъриф мавжуд эмас. Баъзилар камбағаллик деганда инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини (озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни-сақлаш) қондиришга имкониятнинг мавжуд эмаслигини тушунса, бошқалар – танлов эркинлигининг етарлича эмаслиги ёки кунига 1,90 доллардан кам миқдорга кун кечиришни, учинчи томон эса – инсоннинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокига путур етказувчи ижтимоий, таълим ва соғлиқни-сақлаш соҳасидаги тўсиқларнинг доимий доирасини тушунишади. Умумий қараганда, камбағалликни баҳолаш бир нечта аниқ белгиланган кўникма ва усулларни талаб қилади.

Жаҳон банки томонидан камбағаллик тушунчасига қуйидагича таъриф келтирилган: “камбағаллик” – бу шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий аҳволига хос хусусият бўлиб, улар ҳаёт, меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш ва ўзидан авлод қолдириш учун зарур бўладиган минимал эҳтиёжларнинг маълум миқдорини қондира олмайди.[2]

Жаҳон банки мутлақ камбағаллик чегарасини кунига 1,25 доллардан кам қилиб белгилаган (ставка харид қилиш қобилияти паритети (PPP) ҳисобланади).[12] 2015 йилдан Жаҳон банкининг камбағаллик даражаси кунига 1,9 АҚШ долларига кўтарилди.[10]

Умуман олганда “камбағаллик” нисбий, ноаниқ ва кўп маъноли тушунча бўлиб, маълум бир жамиятдаги умумий турмуш даражасига боғлиқ бўлади.[11]

Қашшоқликнинг икки томони бор: иқтисодий (шахсни зарур озуқа ва воситалар билан таъминланганлик даражаси билан боғлиқ) ва ижтимоий (шахсни ҳаёт тарзи ва ахлоқ меъёрлари, маданияти билан боғлиқ).

Дунё мамлакатларида қашшоқлик турлича кўринади:

1. Жаҳоннинг энг ривожланган давлатлардан бири Хитойда қашшоқлик мамлакат аҳолисининг 65% ини ташкил этади;

2. АҚШда эса жами тахминан 16% аҳоли камбағал ҳисобланади. Америкада "камбағал ишчи одам" деган тушунча бор. "Қашшоқлик ҳар доим ишсизлик билан боғлиқ.

3. Япония иқтисодий қудрати жиҳатидан дунёдаги учинчи йирик давлати ҳисобланади. Лекин ҳар йили мамлакатда қашшоқлик даражаси ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби – ишсизлик. Ҳар олтинчи Япон камбағал ҳисобланади.[6]

Жаҳон тажрибасида кенг қўлланиладиган камбағал оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш, инсон капитали сифатини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш каби қуйидаги **3 воситадан** фойдаланилмоқда:

Биринчи восита: камбағал аҳолининг доимий даромад манбаини яратиш;

Иккинчи восита: инсон капитали сифатини ошириш;

Учинчи восита: камбағал оилаларга тўғридан-тўғри моддий ва номоддий ёрдам кўрсатиш.

Аммо ушбу 3 воситанинг ўзига хос жиҳатлари, ижобий ва салбий томонлари мавжуд.

“Камбағал аҳолининг доимий даромад манбаини яратиш” воситаси қолган икки воситага нисбатан бир мунча оптимал ечим. Сабаби бу восита давлат бюджетига катта юк бўлмайди. Қолаверса бу восита ўз натижасини қисқа вақтда беради ва аҳолини иқтисодий фаоллигини ошишига ҳамда улардаги боқимандалик кайфиятини пасайишига сабаб бўлади.

Аммо камбағал аҳолининг доимий даромад манбаини яратиш воситасида ҳам айрим ноқулай жиҳатлари мавжуд. Масалан, мазкур йўналишни тез суратларда ривожланиши учун солиқ имтиёзлари бериш зарур, бу бюджетга тушумни кескин камайиши олиб келиши мумкин. Шунингдек, соҳани ривожлантириш учун аввало аҳолини тадбиркорлик борасидаги кўникмалари ва иқтисодий фаолликларни ошириш уларнинг уларнинг узоқ йиллар давомида шаклланган маданият билан боғлиқ ва бу катта тўсиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари таклиф этилаётган хизматлар ва товарлар учун бозор, яъни талаб зарур, бунинг учун эса истеъмолчиларда тўлов қуввати шаклланиши керак. Бу эса бир мунча вақт талаб этувчи жараёнлар демакдир.

Инсон капитали сифатини ошириш воситаси узоқ йиллар давомида катта самара беришини тарих кўп бор исботлаган. Айниқса буни ҳозирги дунё манзарасидан ҳам кўриш мумкин. Ривожланган давлатларнинг деярли барчаси бу натижага инсон капитали сифатини ошириш орқали эришган.

Боиси бугунги кунда дунёдаги етакчи давлатлар билим бериш, кўникмаларни шакллантириш ва улардан фойдаланишни бошқаларга қараганда яхшироқ ўзлаштирган. Бу эса самарали ишловчи инсон капиталини вужудга келтириб, ривожланмаган давлатлар каби меҳнат ресурсини эмас балки меҳнат маҳсулини экспорт қилишга эришишмоқда.[3]

Лекин бу воситанинг ҳам маълум салбий томонлари мавжуд. Масалан бу восита бир неча йиллардан сўнг ўз натижасини бера бошлайди ва шу йиллар давомида инсон капитали сифатини ошириш учун жуда катта маблағ талаб этилади. Бу даврда эса жорий даврдаги камбағаллар эътибордан четда қолиши мумкин. Шунингдек ҳукумат томонидан таълимни ривожлантириш учун қанча ислохотлар ўтказилмасин агар аҳоли таълимга бўлган муносабатини ўзгартирмаса кутилган натижага эришиш қийин.

Камбағал аҳолига тўғридан-тўғри моддий ва номоддий ёрдам кўрсатиш воситаси жорий вазиятни зудлик билан юмшатишга хизмат қилиб, аҳвол ёмонлашмасликка олиб келади. Бу аҳолини “камбағаллик қопқони”га тушиб қолишдан асрайди. Шунингдек айнан ушбу восита биринчи ва иккинчи воситани натижа беришига туртки бўлиши мумкин. Сабаби инсон капиталини ривожлантириш маълум харажатлар билан боғлиқ, шунингдек камбағал аҳолининг доимий даромад манбаини яратиш воситаси ривожлантириш учун аввало аҳолида товар ва хизматлар учун тўлов қобилиятини шакллантириш, шу орқали бозор механизминини самарали ишлашини таъминлашга эришиш имконини беради.[5]

Аммо камбағал аҳолига тўғридан-тўғри моддий ва номоддий ёрдам кўрсатиш воситаси ҳам арим хавфлардан холи эмас. Масалан аҳолига тўғридан-тўғри моддий ва номоддий ёрдам кўрсатиш ҳукуматдан катта харажатларни талаб этади. уни устига мазкур харажатлар вазиятни фақатгина вақтинчагина юмшатиши ҳамда одамларда боқимандалик кайфиятини ривожланиб кетиши хавфи бор.

Юқоридаги воситаларнинг биринчисига яъни камбағал аҳолининг доимий даромад манбаини яратиш воситасидан самарадорлиги статистик маълумотлар ва мавжуд имкониятларни ўрганиш билан бир қаторда хорижий тажриба ва

жамоатчилик фикрини таҳлил қилиш орқали чора-тадбирларни белгилашга боғлиқ.

Шу пайтгача Ўзбекистонда камбағаллик тушунчасига эътибор берилмаган, рақамлар очикланмаган эди. Шу маънода, Президентимизнинг 2020 йил 26 мартдаги **“Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони билан бу борада кўплаб вазифалар белгилаб берилди ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича янги йўналишлар шакллантирилди. Хусусан, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қилиб қайта ташкил этилиши ушбу йўналишдаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон ҳукумати юқоридаги воситаларнинг ҳар учаласига ҳам эътибор қаратиб, айниқса аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бунинг учун имконият ва имтиёзлар бериш мақсадида ҳуқуқий асосни мустаҳкамламоқда.

НАТИЖАЛАР

Юқоридakilардан келиб чиқиб мамлакатда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш учун Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек энг асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур.[7]

Маҳалладаги оилалар, айниқса кам таъминланган ва даромади паст аҳоли турмуш даражасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида Худудларни иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашиш Маркази Фарғона вилоят бўлимининг “Имконият” лойиҳасини ўтказилди. Лойиҳа доирасида тажриба тариқасида танлаб олинган худудлардаги аҳоли ўртасида даромад манбалари борасидаги тушунчалари ва уларнинг имкониятларини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Сўровномада жами 323 нафар аҳоли вакилларида иборат респондентлар иштирок этиб, 23 та сўровнома бузилган деб топилиб, таҳлилда 300 та сўровномадан фойдаланилди.

Тадқиқот давомида аҳолидан оиланинг асосий даромад манбаи, қўшимча даромад манбаи ва яна қандай даромад манбаларини топишни

режалаштираётгани ҳамда бунга нималар тўсқинлик қилаётгани тўғрисидаги фикрлари сўралди.

Жумладан, респондентлардан оиланинг асосий даромад манбалари нималардан иборат эканлиги сўралганда уларнинг аксарияти асосий даромад манбаи иш ҳақи эканлигини маълум қилишган. Яъни, бу умумий респондентлар сонига нисбатан 32 % ни ташкил этган. 15,5 % эса ёшга доир нафақа, 13,5 % бошқа даромад манбаи эканлигини билдиришган.

Эътиборлиси, респондентларнинг фақат 7 % томорқа (деҳқончилик, чорвачилик, парранда, асаларичилик) ва 4% ҳунармандчилик вариантларини танлашган. Иштирокчиларнинг ҳеч бири асосий даромад манбалари сифатида “касаначилиқ” ёки “акция дивидендлари” каби жавоб вариантларини белгиланмаган. (1-расм)




1-расм. Оилаларнинг асосий даромад манбалар

Бундан ташқари, ушбу саволга 9 % иштирокчилар оиланинг асосий даромад манбаи “мавсумий иш”, 4 % “имконият йўқ” деб жавоб ёзишган.


Респондентлардан қўшимча даромад манбаига эга бўлиш борасидаги истаклари сўралганда уларнинг ярмидан кўпи, аниқроғи 65 фоизи қўшимча даромад манбаига эга бўлиш истагини билдиришган. 17 фоизи эса имконияти йўқлиги, 6 фоизи эса асосий ишидан топаётган даромади етарли бўлганлиги сабабли қўшимча даромад топишни истамаслигини билдиришган

Сўровномада иштирок этган аҳолининг фақатгина 2 % қўшимча даромад манбаига эга эканлигини маълум қилмоқда. (2-расм)



2-расм. Қўшимча даромад манбаига эга бўлиш истаги

Сўровнома иштирокчиларидан қўшимча даромад олиш учун қандай имкониятлар бор эканлиги ҳақида сўралганда, уй шароитида савдогарлик (19%), мавсумий деҳқончилик (18%) ва ҳунармандчилик (17%) билан




шуғулланиш имконияти борлигини маълум қилишган. (3-расм)

3-расм. Қўшимча даромад учун мавжуд имкониятлар

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, аҳолининг аксарияти кўшимча даромад манбаига эга бўлишни истасада, аммо уларнинг ушбу ташаббусларига турлича омиллар тўсқинлик қилмоқда.

Қуйидаги диаграммада (4-расм) аҳолининг кўшимча даромад манбаига эга бўлишида қандай омиллар тўсқинлик қилаётганлиги тўғрисидаги фикрлари ўрганилди. Бунда респондентларнинг катта қисми (26%) бошланғич маблағнинг мавжуд эмаслигини сабаб қилиб кўрсатган бўлса, 14 фоиздани фойдаланиш учун бино (жой), ер майдони ва ускуналар йўқлигини, 9 фоизи эса табиий газ, электр энергияси қуввати етарли эмаслигини сабаб қилиб кўрсатишган. (4-расм)



4-расм. Кўшимча даромад топишга тўсқинлик қилаётган омиллар

Ушбу таҳлил натижасига кўра аҳолининг кўшимча иш билан шуғулланишида тўсқинлик қилаётган омилларнинг аксарияти уларнинг ўз имкониятларига билан боғлиқ эмас.


Бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари фаоллик кўрсатиб, аҳолининг ушбу истакларини рўёбга чиқариш учун ташаббускор бўлишлари талаб этилади.

Лекин, бундан аввал фуқароларимиз ҳам қўшимча ишни бошлашлари учун давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаб олишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда, сўровнома давомида респондентларга “Қўшимча ишни бошлашингиз учун Сизга давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан қандай ёрдам берилиши керак?” деган савол билан мурожаат қилинди. (5-расм)


Олинган натижаларга кўра, респондентларнинг **41 фоизи** имтиёзли кредитларни янада пастроқ, аниқроғи **5-10 %** да берилишини истайди. **21 фоиз** респондент эса берилаётган кредитларни нақд пул шаклида берилиши қўшимча ишни бошлаши учун катта имконият бўлишини маълум қилган.

Шунингдек, **10 фоиз** иштирокчилар давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан тадбиркорликка оид янгиликларни етказиш ва яна **10 фоизи** тадбиркорликка ўқитишни маъқул кўришган.



5-расм. Аҳолининг қўшимча иш бажариши билан боғлиқ давлат ва жамоат ташкилотларидан қўллаб-қувватлаш бўйича кутувлари

Таҳлиллар натижаларидан маълум бўлаётганидек, аҳолининг аксарияти бугунги кундаги берилаётган имкониятлар ва имтиёزلардан беҳабар. Мисол учун, ўзини ўзи банд қилиш орқали меҳнат стажига эга бўлиш тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслар. (6-расм)



6-расм. Аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш орқали меҳнат стажига эга бўлиш тўғрисида хабардорлиги

Бундан ташқари, таҳлил натижаларига кўра ҳудудларда ўтказилган сўровномаларда иштирок этган жами респондентларининг **35 фоизи** мавсумий иш билан банд эканлиги маълум бўлган.

МУҲОКАМА

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики аҳолини олиб борилаётган ислохотлардан беҳабар.

Масалан аҳолидан кўшимча даромад топишга тўсқинлик қилаётган омиллар сўралганда (1-расм) уларнинг катта қисми (26%) маблағ йўқлиги билдиришган. Шу каби муаммоларни ҳал этишга қаратилган давлат раҳбари ва ҳукуматнинг бир қанча ҳужжатлари тасдиқланган.

2020 йил 18 май кунги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4716-сон қарорида томорқа ер эгаларига субсидиялар ажратилиши белгиланган.

Бундан ташқари аҳоли ўзини ўзи банд қилиш орқали меҳнат стажига эга бўлиш тўғрисида ҳам етарлича маълумотга эга эмас. (6-расм)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги

“Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3680-сон қарорига асосан 2018 йил 1 июлдан деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида суғурта бадали тўланган тақдирда, суғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилиши белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарори билан 68 та ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари тасдиқланиб, Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмаслиги белгилаб қўйилган. Аслини олганданда 68 та фаолият (ишлар, хизматлар) турлари бу жуда катта имконият дегани. Бу фаолият (бугунги кунда ҳудудда энг кўп тақлиф бўлаётган ишлар, хизматлар турлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 февраль куни «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат халқ билан очиқ мулоқот натижалари асосида тасдиқланди ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олган. Фармоннинг аҳамияти – коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чораларини давом эттиришдир.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ишсиз

аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилишнинг янги механизмлари юзасидан таклиф киритсин

Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш.

Камбағал ва ишсиз фуқароларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш ва меҳнат фаоллигини ошириш мақсадида уларни касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича тизимни тўлиқ жорий этиш, ўқишга жалб қилинган фуқаролар камровини кенгайтириш, шу мақсадда 2021 йилда қуйидаги амалий чора-тадбирларни бажариш белгиланди:

70 минг нафар ишсиз фуқарони 40 та касб-ҳунар бўйича ўқитиш;

ишсиз фуқароларни тадбиркорликка ўқитиш (39,6 минг нафар, шу жумладан Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби дастури бўйича);

50 минг фуқароларни ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси учун чет тилларга ўқитиш;

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га кирган фуқаролар ўқиш харажатларини Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, ёшлар ва хотин-қизларнинг ўқиш харажатларини (1 млн. сўм) Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан қоплаш назарда тутилади.

Давлат маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқаролар, камбағал оила аъзоларига уларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун берилаётган моддий ёрдам ва субсидиялар самарадорлигини ошириш мақсадида ижтимоий контракт тизимини жорий этиш вазифалари белгиланди

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан камбағалликка қарши курашишнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Давлат раҳбари масъулларга аввало ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги ҳақиқий шароит ва аҳволни таҳлил қилиш, бунинг учун, биринчи йўналишда камбағалликка оид реал аҳвол, яъни маҳаллалардаги даромади кам оилалар сони ҳақида маълумот йиғиш, иккинчи йўналишда туман ва шаҳарнинг салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятлари харитаси тузишга оид вазифаларни белгилаб берди.

2020 йил 27 февраль кунги видеоселектор йиғилишида давлат раҳбари бир қатор вазифалар қатори қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ўтди.

Касбга тайёрлаш марказларини ташкил этишга нодавлат ташкилотларни фаол жалб қилиш, улар ўртасида энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури бўйича танлов ўтказиб, ғолибларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан грант ажратиш бўйича ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ҳар бир ҳудудда “Ишга марҳамат” моно-марказлари ҳамда касбга тайёрлаш марказлари ташкил этиб, ишсизларга касбий билим ва кўникмалар, шунингдек, эҳтиёжга қараб хорижий тилларни ҳам ўргатиш вазифаси қўйилди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасидаги маблағларнинг 70 фоизи камбағал аҳолига иш ўрни яратишни назарда тутувчи кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилиши белгиланди. Шунингдек, камбағал кишини ишга олган корхоналарга банк кредитлари бўйича қулайликлар берилиши айтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4804-сон қарори тасдиқланиб, унда тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилганлик учун рағбатлантириш субсидияларини ажратиш белгиланди.

Тадқиқот давомида аҳолида янги (ноодатий) ғоялар ташаббуси етишмаслиги маълум бўлди. Улардан “Янгича ва ноодатий ғоялар асосида тадбиркорлик фаолиятини бошлашни истайсизми?” деб сўралганда **62 фоизи** “Ҳа, албатта истайман. Аммо, ҳозирча менда бундай ғоя ва билим йўқ” деб жавоб берган. Сўровномада берилган “Инновация ғоялар асосида тадбиркорликни бошлаганман” деган жавоби танланмаган.

ХУЛОСА

Ўтказилган сўровнома таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг катта қисмида тадбиркорлик кўникмалари етарлича ривожланмаган. Айниқса, молиявий саводхонлик даражаси қониқарсиз.

Аҳолининг катта қисми ўзларида мавжуд имкониятларга тўғри баҳо беришмаган ва бу борада тасаввурлари етарлича шаклланмаган. Шунингдек, жорий этилган имтиёз ва имкониятлардан ҳам етарлича хабардор эмас.

Янгича, ноодатий ва инновацион ғоялар асосидаги тадбиркорлик фаолиятини бошлашда фуқароларда кўникма ва дадиллик етишмаяпти.

Айниқса, уларни тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қарашлари ва кўникмалари қолиплик бўлиб, чегараланиб қолган. Бу эса улардаги имконият ва салоҳиятдан самарали фойдаланишга, янги имкониятларни яратишга халақит бермоқда.

“Маълумки, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга доир стратегик вазифаларни нафақат ишлаб чиқиши, балки амалга оширишни таъминлаши зарур”.[4]

Юқоридагилардан келиб чиқиб бир нечта таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Биринчидан: Кўчма семинарлар ташкил этиш. Тренинг мавзулар: Тадбиркорлик фаолияти, Банк, пул-кредит, солиқ ва молиявий саводхонлик, маркетинг, менежмент, инновациялар ҳамда креатив фикрлашга доир бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан: Маҳалла фуқаролар йиғини биноси ва ижтимоий тармоғида соҳага оид янгиликлар (имтиёз ва имкониятлар) тўғрисида хабарларни жойлаштириб (янгилаб) бориш, буклетлар ва бошқа материалларни тайёрлаб тарқатишни ривожлантириш керак.

Ижтимоий тармоқлада тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга оид қисқа роликлар ва маълумотларни жойлаштириб бориш зарур.

Учинчидан: Маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда давлат активларини бошқариш агентлиги билан жойлардаги бўш бинолардан (ёки бинонинг бир қисмидан) самарали фойдаланиш чораларини кўриш бўйича ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Тўртинчидан: Аҳолига муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаи тўғрисида самарали таклифларни тақдим этиш керак.

Бешинчидан: Аҳолининг катта қисми мавсумий иш билан банд бўлишини ҳисобга олиб, уларнинг куз-қиш мавсумида ишсиз қолишларини олдини олиш мақсадида маҳаллий ижро органлари, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда қиш мавсумида аҳолини бандлигини таъминлашга қаратилган тадбиркорлик фаолият турларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чораларни кўриш (масалан: қишки уст-бош ёки поябзал тайёрлаш, қўлда турли сувенир ёки декоратив воситаларни тайёрлаш, қишки мавсумга мос ёки мавсум танламас жиҳоз (восита)ларни

ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, иссиқхона ва бошқалар) мақсадга мувофиқ.

Қиш мавсумига мос тадбиркорлик фаолияти турлари учун ҳукумат даражасида имтиёзлар бериш тизимини йўлга қўйиш.

Олтинчидан: Хориждан олиб келинувчи уй шароитида фойдаланиш мумкин бўлган кичик ускуна ва дастгоҳлар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари учун солиқ ва божхона имтиёзларини бериш орқали мазкур воситаларнинг таннархи пасайишига таъсир этиб, бу оилавий тадбиркорликни ривожланишига ижобий таъсир этиши мумкин.

REFERENCES

1. А.Мадвалиев Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент. (2006-2008)
2. Д.Ф. Гараева “Бедность как фактор снижения качества жизни населения”. Казанский (Приволжский) федеральный университет: “Экономические науки” 2(87). 2012
3. К XIX Апрельской международной научной конференции по проблемам развития экономики и общества. Как увеличить человеческий капитал и его вклад в экономическое и социальное развитие. 10 –13 апреля 2018 г. Москва.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент. 2010
5. Costas Azariadis and John Stachurski, "Poverty Traps," Handbook of Economic Growth, 2005, 326.
6. Королёва Н.В., Чинишвили В.В. Бедность как социально-экономическая проблема. The scientific heritage No 43 (2020).
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (24.01.2020 йил). <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
8. United Nations. Department of Economic and Social Affairs. Sustainable Development. (<https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/6754Technical%20report%20of%20the%20UNSC%20Bureau%20%28final%29.pdf>)
9. Всероссийский банк учебных материалов РЕФ.РФ https://ru.wikipedia.org/wiki/Бедность#cite_note-РЕФ.РФ-2
10. <http://rueconomics.ru/106180-vsemirnyiy-bank-povyisil-porog-bednosti/>
11. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Бедность>